

**ЯНГИ ҚОНУН ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

Эгамназаров Сардор Сайдуллаевич

Жинойят ишлари бўйича Гулистон туман судининг тергов судьяси

E-mail: egamnazorvs092@gmail.com

Аннотатсия: мазкур мақолада йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилувчи сўнгги қонун ҳужжатларини таҳлил қилади. Яқунда, соҳани ривожлантириш учун тегишли таклифлар берилади.

Калит сўзлар: қонун, йўл-транспорт ҳодисалари, норматив ҳужжатлар.

**НОВЫЙ ЗАКОН ПОМОГАЕТ ПРЕДОТВРАТИТЬ ДОРОЖНО-
ТРАНСПОРТНЫЕ ПРОИСШЕСТВИЯ**

Эгамназаров Сардор Сайдуллаевич

Следственный судья Гулистанского районного суда по уголовным делам

Электронная почта: egamnazorvs092@gmail.com

Аннотация: в статье анализируется новейшее законодательство, направленное на предотвращение дорожно-транспортных происшествий. В заключение даны соответствующие предложения по развитию месторождения.

Ключевые слова: право, дорожно-транспортные происшествия, нормативные документы.

NEW LAW HELPS PREVENT TRAFFIC ACCIDENTS

Egamnazarov Sardor Saidullaevich

Investigating judge of the Gulistan District Criminal Court

E-mail: egamnazorvs092@gmail.com

Abstract: this article analyzes the latest legislative acts that help prevent traffic accidents. Finally, relevant proposals are made for the development of the sector.

Keywords: law, traffic accidents, regulatory documents.

Ҳаётимизда ҳар куни йўл-транспорт ҳодисаларига оид кўплаб нохуш хабарларни эшитамиз, кўрамыз. Айниқса, болалар иштирокидаги ҳодисалар ҳар қандай кишини аянчли аҳволга солади.

Кейинги йилларда айрим ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмаслик натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сони ортиб бормоқда. Жумладан, транспорт воситасини мастлик ҳолатида бошқариш туфайли ҳайдовчи ўзининг ҳаракатини англай олмаслиги натижасида оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда.

Айрим ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига беписандлик билан қараш, транспортни бошқариш маданиятига амал қилмаслик, йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларига нисбатан ҳурматсизлик, транспорт воситасини кескин бошқариш ҳамда бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган “агрессив бошқариш” ҳолатлари кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 20 февралдаги ЎРҚ-1033-сонли Қонуни билан айрим қонун ҳужжатларига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган, шу жумладан, қўпол қоидабузарликлар содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс томонидан транспорт воситаларини такроран бошқарганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш, йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари белгиланган миқдордан ошганлиги учун маъмурий жазо қўллаш, шунингдек сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефт газида ишлайдиган транспорт воситалари иштирокидаги ҳодисалар бўйича алоҳида моддаларда

маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг ЖКга янги, “261¹-модда” киритилиб, унга кўра, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқариши, шундай қилмиш ёхуд мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида эканлигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган ҳолларда жиноий жавобгарлик белгиланиб, ушбу жиноят учун модда санкциясида уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Мазкур Қонун қабул қилингунга қадар ушбу ҳаракатлар учун фақат маъмурий жавобгарлик белгиланган эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг ЖКга янги, “261²-модда” киритилиб, унга кўра, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахснинг транспорт воситасини бошқариши, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган ҳолларда жиноий жавобгарлик белгиланиб, ушбу жиноят учун модда санкциясида базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Мазкур Қонун қабул қилингунга қадар ушбу ҳаракатлар учун ҳам фақат маъмурий жавобгарлик белгиланган эди.

Шунингдек, Қонун билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг айрим моддалари санкциясидаги жазо миқдорлари кучайтирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 131-моддасининг 1-қисми, яъни транспорт воситаларини мастлик ҳолатида бошқарганлик учун транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари миқдорида жарима солиш белгиланди. Қонун қабул қилинган кунга қадар эса, ушбу ҳуқуқбузарлик учун модда санкциясида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида жарима солиш белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК 136-моддасининг 1-қисми, яъни транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида эканлигини белгиланган тартибда аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаганлик учун транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солиш белгиланди. Қонун қабул қилинган кунга қадар эса, ушбу ҳуқуқбузарлик учун модда санкциясида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида жарима солиш белгиланган эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 135-моддасининг 3-қисми, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларни бошқарганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солиш белгиланди. Қонун қабул қилинган кунга қадар эса, ушбу ҳуқуқбузарлик учун модда санкциясида базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солиш белгиланган эди.

Қонунчиликка киритилган ушбу ўзгартиришлар йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этишини таъминлашга ҳамда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, йўл-ҳаракатига оид маданият оиладан бошлаб шакллантирилиши керак. Фарзандларимизга ёшлигидан йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш ва уларда бу қоидаларга оғишмай амал қилиш маданиятини шакллантириш ҳар бир оиладан бошланиши керак. Ана шунда йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ турли кўнгилсизликларнинг олди олинарди, болаларимиз кичиклигиданок йўл қоидаларини теран англаб улғаяди.